

Мухаммад Юсуфни ўйлаганда одам шеър ёзгиси келади. Мухаммад Юсуф киёфасини факат шеърий тарзда яратиш мумкиндай. Унинг сатри чархланган килич каби яркирарди. Сатрлар шундай жойлашганки киличлар жарангги эшитилиб кетади. Унинг туйгулари, изтироблари, дарду алами, меҳру – мухаббати чехрасида кўриниб турар эди-ки, то унинг юксак салохияти даражасига чикиб хайкирмас, фарёд чекмас, мухаббатнинг энг олий ишваларини заргарона маҳорат билан бошкармас экансиз, сўз санъати сехри, измингизда бўйсундирилган асовдай бош эгиб турмас экан, гойибдан илохий шериклар келиб, сизга йўл – йўрик кўрсатиб, куч – қувват бериб турмас экан, барибир бу киёфани когозга тушириб бўлмайди. Бу киёфани когозга аник туширган захотингиз, когоз ёниб кетадигандай туюлмаса, демак бу хали Мухаммад Юсуф киёфаси эмас. Мухаммад Юсуфнинг ўзи хеч кимга ўхшамаслигини биларди: “Болалигимда ичим тўла кушга ўхшарди. Нимадир потирлаб, учмокка шайланарди. Ўлаб кўрсам улар шеър экан. Кейинчалик улар юрагимдан отилиб чика бошлади. Шоир истайсизми – истамайсизми бошкача одам. Лекин атрофдагиларга билдириласлиги керак. Билдириш кибрга киради” – дерди.

Умуман олганда Мухаммад Юсуф замонавий шоирлар обрўсини оширди. Шоир номини, шоирлик макомини кўтарди. Шоирман деб юрганларнинг кўпчилигини одамлар Мухаммад Юсуфнинг хурмати юзасидан хам “Шоир экан, кани кулок тутайлик-чи!”- деганларини кўрганман. Лекин одамлар Мухаммад Юсуфни завқ – шавқ, ёник меҳр – мухаббат, чукур эҳтиром билан кутиб олганчалик хеч бир шоирни олкишлаб кутиб олмасди. “Шоирлик касб хам, хунар хам эмас, даъво! Шоирлар Худога эркалик килишади. Мен энг севимли, энг яхши ва энг иктидорли бандангман дея эркаланиб даъво килишади. Худо хам уларни яхши кўради, сийлайди. Шеър ёзаётганда фаришталар аста ёрдам берворади. Баъзида шоир шеърни кандай ёзганини билмай колади. Агар фаришталар ёрдам бериб юбормаган бўлса, шеърни шоирнинг ўзи ёзган бўлса, шоир ўзи ёзган шеърни ўзи ўкиб йиглармиди?”

Бора – бора шоирлар хам, ёзувчилар хам, олимлар хам ўз аклий салохияти, тафаккурининг кучи, юрагининг қуввати кай даражада эканлиги ва нималар ёзаолиши мумкинлигини тахминан билиб колади. Мухаммад Юсуфда шу чегара йўқдай кўринарди. Баъзи шеърларини ёзганда кандай илхом, кандай истеъдод, канака юрак харорати, калбидаги мухаббат олови неча минг даражага чикканлигини англашга аклий бовар килмайди. Бу ўлчовлар биз билган чегаралардан чикиб кетганга ўхшарди. Бунинг учун Мухаммад Юсуф феноменини ўрганиш керак бўлади. Мухаммад Юсуф шеъриятдаги шундай бир юксак чўккини забт этди-ки, унинг издошлари, ёш шоирлар, эндиликда бу чўккини эгалламай туриб, хеч качон юксакка кўтарилаолмайдилар. М.Юсуф эса аксинча бугунги куннинг ёш шоирлари ижодини кўриб хайратланарди: - “Хозир назаримда СНГ давлатлари орасида бизнинг ёшлар шеърияти – энг зўр шеърият. Бизнинг ёшлар биринчиликда турибди. Улар хилма – хил, кўп ва бир – биридан зўр. Хатто бир – бирларини хам тан олишмайди. Мен улардай шеър ёзолмайман. Мен уларга хавас киламан. Улардан ўрганаман. Ўйлайманки, мана шу укаларим, XXI асрда ўзбек адабиётини жаҳонга олиб чикади.”

Мухаммад Юсуф минглаб мухлислари, издошлари, шогирдлари бўлишига карамасдан, устозман деганини ёки ўзини устоздай тутганини кўрмаганман ё эшитмаганман. У ўзини ёш шоир деб биларди ва шогирддай тутарди. “Бахтимиз шундаки, бизда тирик

классиклар бор. Шулардан бири Абдулла Орипов. Агар Абдулла ака мени шогирдим деса, бундан фахрланаман. Бу катта маъсулият. Абдулла акага шогирд бўлиш учун, хозиргидан ўн баравар кучлирок шоир бўлишим керак, шунда Абдулла акага шогирд бўлаоламан. Каранг, Алишер Навоий 1441-йилда тугилган, орадан роппа – роса беш юз йил ўтиб, 1941-йил Абдулла Орипов тугилган. Битта элга беш юз йилда бир буюк шоир келиши рост экан-да” – дерди.

Мухаммад ака шунингдек Усмон Носирни яхши кўрарди. Унинг кабрини излаб Сибирга, Кемерова вилоятига борганди. У билан кўришган кариялар билан сухбатлашган, шоирнинг рамзий кабрига ёдгорлик тоши ўрнаттирганди.

У Усмон Носирнинг “Баргдек узилиб кетсан, унутмас мени богим” деган сатрларини ўкиганда, тишлари гижирлаб кетар, юрагидаги ўкирик, бўгзига кадалар, кўзида ёш гилтилларди.

“Сиз барг эмассиз Усмон бобо, сизнинг ўзингиз бogsиз. Сизни билмаганлар баргдек узилиб кетади, сизни билмаганлар, баргдек унудилиб кетади,” дерди. Мана шундай катъиятида у гохида адабиёт ўлкасининг талабчан ва одил назоратчисига, кўлида ёлгон гапирувчиларга нисбатан ишлатиладиган “Уртокмок” калтаги борга ўхшарди: “Хозирги ёшлар Усмон Носирни, Абдулла Кодирийни, Чўлпонларни билмай туриб адабиётга киришга хаклари йўк. Адабиётни уларсиз тасаввур килиб бўлмайди. Уларсиз адабиётда яшаб бўлмайди. Уларни билмаган одам, кўлига калам олиши – жиноят.

Усмон Носир камокхона деворларига кўмир билан, ўзбекни буюк миллат экани хакида шеър ёзган. Хар куни ёзган. Деворларда бирор бўш жой колмаган. Олов пуркаб турган девнинг кўзига найза санчмокчи бўлган. Энди, биз юртимиз кучогида, одамлар кўз карогида, юраклари ардогида шахзода бўлиб юрса-гу, бир парча когозга тўрт катор шеър ёзолмасак, бу миллатимиизга душманлигимиз эмасми?” – дерди.

Мухаммад Юсуф Ўзбекистонни Усмон Носирнинг юрагида жўш урган мухаббат билан севарди. Мухаммад ака билан Зомин тогларида, Сирдарё бўйларида, Тошкентнинг сершовкин ва серфайз гўшаларида кўп бора бирга бўлганмиз. Самоларга бўй чўзган сарбаланд тоглар пойида, гўзаллиги ва салобатидан ханг – манг турар эканман, гохида, “Эй тоглар, Мухаммад Юсуф кани? Ахир у сизларни севар эди, сиз хам уни севар эдингиз, ўз кучингизга яшириб кўйдингизми, унинг руҳи мана шу буюк хайбатингиз билан бирлашиб кетдими, шунинг учун буюк ва савлатдор кўринаяпсизларми? – дея сўрайман. – “Ха, ха, ха! Мухаммад Юсуф биз билан бирга!” – деган овоз келади тоглардан. Мухаммад Юсуфни согинсанг, тогларга келавер, у бизнинг чўккиларимизда, бизнинг кояларимизда абадул – абад яшайди!”

Дарё бўйларига борганимда сермавж ва зилол сувлар жўшкинлиги юрагимни хаприкириб юборади. Бу саодатманд диёрнинг дарёлари нега бу кадар ўйноки, гамзали! Кишининг баҳри – дилини очиб юборувчи сехру – жодуга, тароватга лиммо – лим? Дарёдан сўрайман: - Эй, азим дарё, сени Мухаммад Юсуф канчалар севар эди, сени жонидан суйиб канчалар эркалар эди, меҳрибонинг кани, жонажонинг кани, ардоклаган дўстинг кани? – Дарёдан овоз келади: - Мухаммад Юсуф кенгликлар сари кучок очиб чопаётган багримда! Шовуллаган мавжларимда шеърларини эшитмаяпсанми, хайкирган пўртаналаримда, сокин салобатимда хаётбахш наволарини тингламаяпсанми, юрагингдаги губорни таркатиб юборганимда, Мухаммад Юсуф шеърларини ёдингда такрорланмаяптими?”

Кенжа ўглимдан сўрайман: - Акика тўйингга Мухаммад бобонг келган, уйимизнинг тўрини тўлдириб ўтирган, ўзи ўгилли бўлгандай кувонган, хаммамизни кучоклаб кутлаган, азиз

мехмонимиз бўлган! Мухаммад бобонгни энди кандай топамиз? – Ўглим, - Мен бобомнинг уч юзта шеърини ёд биламан, истаганингизни сўранг, айтиб берай, бобом юрагимда, дилимда, тилимда! Мен катнаган давралар, бобомнинг шеърларисиз ўтмайди! – дейди. Мухаммад Юсуф Ўзбекистонга меҳрини тумордай бўйнига боғлаб юрар эди. Мухаммад Юсуф Ўзбекистоннинг бутун кир – адирларига, тогу – тошларига, боғлари-ю, дарёларига, одамларига, кекса-ю ёшларига, барча миллатдошлари мухаббатини, туморга жойлаб, бу туморда худди жони сакланаётгандай, еру – кўкка ишонмасди. “Мен чет элларга бормайман. Борсам хам бир – икки кунда кайтиб келаман, туролмайман. Юртимни согиниб коламан. Усиз бир – икки кун колсам вахима босади”, деяр – эди. Бошида, чет элни ёқтирмаслигини маҳаллийчиликка йўйган эдим, Ўзбекистон дунёга юз бураётган пайтда, нега бу сўзларни айтаяпти деган хаёлга борарадим. Ахир шоир умуминсоний, умуммиллий бўлиши керак-ку, деяр эдим. Кейин билсам, шоир качонки, халкининг, миллатининг хакикий шоири бўлса умуммиллий, умуминсоний бўлаолар экан. Сергей Есенин факат рус халкини ёзган ва факат Россияни олкишлаган. Бугун уни ўзбеклар хам севиб ўқимокда, эъзозламокда. Пол Элюар, Уолт Уитмен, Евг. Евтушенко ўзбек халки хакида ёзмаган. Улар ўз халки, ўз миллати хакида ёзган. Шундай бўлсада, шеърларини севиб ўқиймиз. Демак, умуминсонийлик, умуммиллийликнинг илдизи хар ким ўз юртини, ўз элинини, ўз Ватанини севишда экан. Ииллар ўтиб Мухаммад Юсуф шеърлари бутун дунё халклари тилларига таржима килиниб, севилиб ўқилса ажаб эмас.

Мухаммад Юсуф Ватанини шунчаки эмас, танасидаги бор хужайралар билан севарди: - Ватанини севиш учун одамни хакки бўлиши керак. Качон халол, маърифатли, билимли, фидойи бўлса хакки бўлади. Одам Ватанини севишга арзиши керак. Жохил, порахўр, разил, ёлгончи одам Ватанини севишига ишонмайман – дерди. Одам гулни севади, кизни севади, бойликни, шон – шуҳратни севади, лекин бу хаммаси миллатга мухаббат олдида, мисколчадир. Одам аввало Ватанини, миллатини севиши керак. Кейин бошка нарсаларни севишга хакки бор. Шифокорлар Гипрократ касамини ичгандай, шу юртнинг хар бир фарзанди, шу Ватан олдида, шу миллат олдида, хар кун сени севаман, сенинг фидойингман дея касам ичиши керак – дерди. Ахир инсондан факат фарзанд, факат зурриёд колмаслиги керак, балки, шу Ватан олдида килинган буюк хизматлар, яхши ному – асрлар давомида миллат корига яровчи кадриятлар хам колиши керак. Бахтимизга кўз тегмасин. Бугун биз буюк ўзгаришлар арафасидамиз. Авваллари корин ташвиши билан кун ўтган бўлса, энди килаётган ишларимиздан кўнглими тўлмокда. Авваллари “Мен сенинг ўглингман, эмасман меҳмон” деб, мустамлакачилар остонасига юкиниб борган бўлсак, энди ўз Ватанимиз, ўз миллатимиз пойига бош урмоқдамиз. Бундан ортиқ баҳт борми? Ватан хам она! Ватанини севмаган одамга ичган она сути харом бўлсин!

Ўз Ватанини севган кишилар истараси иссик, юзи ёруг, кўркам ва хушкомат бўлишади. Инсонни юзини хасад корайтиради. Килган гунохлари юзида, кўзида балкиб, фариштасиз килиб кўяди. Калби тоза, элига, юртига меҳри баланд инсон хеч качон хунук бўлмайди. Юраги гўзал инсоннинг юзи хам, кўзи хам, ўзи хам гўзал бўлади. Дараҳт илдизидан куч олиб тургандай, одам хам юрагидан куч олиб туради.”

Мухаммад Юсуфнинг хар бир китоби Ватанимизнинг буюклиги хакида – шаходатномадир. Худди биз А. Навоийнинг истаган бир асарини олиб, Ер юзининг истаган давлатига бориб, “Мана дунёдаги энг буюк шеърият! Ушбу китоб бунга шаходат беради, деяолганмиздай, Мустакил давлатимизнинг хам забардаст шеърияти бор. Бунга Мухаммад Юсуф шеърияти шаходат беролади, дейишимиз мумкин.

Афсуски, Мухаммад Юсуф орамизда йўқ. У хаёти давомида умр хакида, мухаббат

хакида, инсон хакида ўз фикрларини айтди ва ўз айтганларига амал килди. У ўлим хакида хам ўз фикрига эга эди.

Бир кун хаётдан эрта кўз юмган сирдарёлик шоира Дилфуза хакида гапиратуриб:

– Корин ташвишида юриб, юз йил яшаганлар канча. Уларга ачинаман. Улар инсоннинг ким эканлигини, яшашдан максад нима эканлигини бир умр билмай ўтиб кетадилар. Хакикий истеъдодлар бор. Улар ўлими якинлашаёттганини сезадилар ва истеъдодларини ёркинрок намойиш этишга шошиладилар. Жуда кўп яшашнинг хосияти йўк. Умринг чўзилгани, картайганинг сари кирчангি отрай, баттоллашиб, ишга, ижодга яроксизлашиб, дангасалашиб, таъмагирлигинг ортиб, иззатталаб бўлиб, бораверасан. Одамларнинг сенга эътибор беришини, мукофотлар олишни истайверасан. Бойликка хам хирс кўясан. Бунга йўл кўймаслик керак. Одам Ватани, миллати учун ўзида бор истеъдодни, меҳру – мухаббатни, тафаккурни, кўлидан келадиган хамма яхшиликларни тезрок – тезрок килиши, сўнг Яратганга омонатни топшириши керак” – деганди.

Мухаммад Юсуф яхши шеърлар ёзди, элнинг меҳрини козонди, шеърият тожини кийди. Килган меҳнатларига яраша роҳат – фарогат кўрадиган, миллионлаб мухлислари иззат – икромидан маст юрадиган пайт келганда эса, орамиздан кетди.

Токи Ер юзида ўзбек халки, ўзбек миллати яшар экан, токи Ер юзида бирор шеърият ихлосманди яшар экан, сиз бархаётсиз! Сиз, сиз севган тоглар сингари, сиз севган азим дарёлар сингари, навқирон шеърият сингари абадул – абадсиз, Мухаммад aka!

Мухаммад Исмоил